



Жанубий ҚОЗОҒИСТОН

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 12 июль, шанба, №71 (3572).

>>> Президент



СУВ – МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАСИ

Kazinform. Қозоғистон учун сув стратегик аҳамиятга эга миллий хавфсизлик масаласидир. Бу ҳақда ҚР Президенти Қасим-Жұмарт Тўқаев Сув хўжалиги ходимларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросимида таъкидлади.

– Бугун сув хўжалиги ходимлари кун. Аввало, касб байрамингиз билан барчангизни табриклайман. Сув дунёдаги барча мамлакатлар учун улкан аҳамиятга молик стратегик захирадир. Юртимиз ҳудудлари бепоён. Бироқ мамлакатимиз ҳудудининг ярмидан зиёди чўл ва ярим чўллардан иборат. Шунинг учун Қозоғистон учун сув масаласи миллий хавфсизлик масаласидир, десак, муболаға бўлмайди, – деди Президент.

Юртбоши сув хўжалиги доимо давлат томонидан алоҳида эътиборда бўлиб келганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда). >

ҚОЗОҒИСТОН СУПЕРКОМПЬЮТЕР ДАВРИГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ



ҚАСИМ-ЖҲҲМАРТ ТЎҚАЕВ
МИЛЛИЙ СУПЕРКОМПЬЮТЕР
МАРКАЗИНИ ИШГА
ТУШИРИШ МАРОСИМИДА
ИШТИРОК ЭТДИ

Бугунги кунда илмфан, таълим, иқтисодиёт ва давлат бошқаруви соҳаларида рақамли технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этаётган бир пайтда, Қозоғистон ўз илмий-техникавий салоҳиятини яна бир поғона юқорига олиб чиқди.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қасим-Жұмарт Тўқаев рақамли тараққиёт соҳасидаги навбатдаги улкан қадам – Alemcloud Миллий суперкомпьютер марказини ишга тушириш маросимида шахсан иштирок

этди. Ушбу марказдаги янги суперкомпьютер NVIDIA H200 график процессорлари асосида яратилган бўлиб, бугунги кунда Марказий Осиё минтақасидаги энг илғор ҳисобланади.

Суперкомпьютер тизими Қозоғистон Республикаси Рақамли тараққиёт, инновациялар ва аэрокосмик саноат вазирлиги ҳамда халқаро ҳамкорлар томонидан ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди. Унинг FP8 форматидagi ҳисоб-китоб қобилияти юқори самарадорликни таъминлаб, кенг қўламли илмий ва технологиявий вазифаларни ҳал қилиш имконини беради.

Давлат раҳбари ўз сўзида мазкур ташаббуснинг аҳамия-

тига алоҳида тўхталиб, суперкомпьютерни ишга тушириш мамлакатнинг стратегик соҳаларини рақамлаштириш, сунъий идрок, маълумотлар таҳлили ва инновацион лойиҳаларни ривожлантиришда муҳим қадам эканини таъкидлади.

Суперкомпьютернинг ҳисоблаш қуввати нейрон тармоқ ечимларини яратадиган лойиҳаларда ва университетлар, илмий марказлар, шунингдек, давлат муассасалари ҳамда хусусий компаниялар томонидан фойдаланилиши мумкин.

Akorda.kz.
маълумотлари
асосида.

САРМОЯ ВА САЙЁҲЛИКДА ЯНГИ БОСҚИЧГА ҚАДАМ



ВИЛОЯТИМИЗДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК, ҚЎШМА ЛОЙИҲАЛАР ВА ЧУҚУР ҚАЙТА ИШЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИДА КЕЛИШУВЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Бугунги дунёвий иқтисодиёт шароитида ҳар бир минтақа ўз имкониятларини халқаро майдонда намойён этиш, бевосита хорижий сармояларни жалб қилиш орқали янги иш ўринлари яратиш ва саноатни замонавийлаштиришга интиляпти. Туркистон вилояти ҳам бу жараёнда фаол ва очиқ сиёсат олиб бормоқда.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров навбатдаги расмий мулоқот чоғида Хитой Халқ Республикасининг Шанхай шаҳридан таширф буюрган йирик сармоядорлар делегациясини қабул қилди. Учрашувда Туркистон вилоятининг саноат ва сайёҳлик соҳаларидаги улкан салоҳияти, махсус иқтисодий минтақалар ва истиқболли лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

– Таърихӣ ва маънавий қадриятлар маскани Туркистонга хуш келибсизлар! Вилоятимизнинг сайёҳлик салоҳиятини жаҳонга машҳур Шанхай шаҳрида кенг тарғиб қилиш мақсадида ахборот маркази очил боразидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганингиз учун самимий миннатдорчилик билдираимиз. Бу ташаббус вилоятимиз учун



муҳим стратегик қадам, – деди Нуралхан Кўшеров.

Музокаралар давомида томонлар қатор истиқболли лойиҳаларни муҳокама қилдилар. Жумладан, Туркистонда етиштириладиган олмаларни чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни Европа бозорига экспорт қилиш, ун маҳсулотлари ва новвойлик саноатини ривожлантириш, уни Хитой бозорига олиб чиқиш, рангли металларни қайта ишлашни йўлга қўйиш, тўқимачилик ва тайёр кийим ишлаб чиқариш соҳасида янги корхоналар барпо этиш масалалари диққат марказида бўлди.

Бу таклифлар нафақат мин-

тақада саноат ривожини таъминлайди, балки ишсизликни камайтириш, маҳаллий экспорт ҳажмини ошириш ва хорижий технологияларни жалб этишда муҳим аҳамиятга эга.

Қўшма музокаралар якунида томонлар илгари сурилган таклифларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, зарур ҳуқуқий-ташкилий ҳужжатлар устида иш олиб бориш ва яқин келажакда лойиҳаларни амалий босқичга ўтказишга келишиб олдилар. Бундай учрашувлар Туркистон вилоятининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини мустаҳкамлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш ва бутун минтақани иқтисодий юксалиш

локомотивига айлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Туркистон нафақат таърихӣ ва маънавий марказ, у бугунги кунда саноат, сайёҳлик ва агро-саноат мажмуаси орқали халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этишни мақсад қилган замонавий минтақа. Хитой каби йирик иқтисодиёт ва Марказий Осиёнинг юраги саналмиш Туркистон ўртасидаги ҳамкорлик нафақат минтақавий, балки дунёвий даражада муҳим натижалар бериши мукаррар.

Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати
маълумотлари асосида.

СУНЪИЙ ИДРОК – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



Замонавий дунёда ахборот технологиялари шунчаки қулайлик воситаси эмас – балки давлат мустақиллиги, миллий хавфсизлик, иқтисодий барқарорлик ва глобал рақобатдошлик мезонига айланиб бормоқда. Бу ҳақиқатни англаган Қозоғистон сўнгги йилларда рақамлаштириш соҳасида жиддий ва қатъий қадамлар ташламоқда.

Мамлакатда рақамли тараққиёт фақат техник жараён эмас, балки ижтимоий, мафкуравий ва сиёсий ислохотлар билан уйғунлашган миллий стратегия сифатида амалга оширилмоқда.

Президент Қасим-Жұмарт Тўқаевнинг ташаббуси билан Қозоғистонда рақамлаштириш масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилди. Бугун “Рақамли Қозоғистон” стратегияси нафақат иқтисодиётнинг рақамли сегментларини, балки бошқарув, таълим, тиббиёт, экология ва суд-ҳуқуқ тизимини қамраб олмақда.

Қозоғистонда яратилган Alemcloud суперкомпьютери, SmartCity Astana, AlemLLM тил модели, AI Kitar таълим платформаси, Baspana Hub уй-жой экотизими ва AI-Terapevt каби лойиҳалар мамлакатнинг рақамли инфратузилмаси қандай изчил ва стратегик равишда шаклланаётганини кўрсатиб турибди.

Бу лойиҳалар нафақат юқори технологияларни, балки инсон манфаатига хизмат қиладиган шакллари намоён этмоқда.

Масалан, SmartCity лойиҳаси фуқаролар хавфсизлиги ва шаҳар инфратузилмасини самарали бошқаришга қаратилган. AI Kitar ҳар бир ўқувчига шахсий ёндашувни таъминласа, Baspana Hub уй-жой соҳасида очиқлик ва шаффофликни яратади.

Қозоғистон рақамли ислохотлар жараёнида маҳаллий мутахассислар, ёш муҳандислар ва тадбиркорлар салоҳиятини тўлиқ ишга солмақда. Мамлакатда пайдо бўлаётган стартаплар – бунинг яққол мисоли. Biny.co, Surfaice.pro, OlympIQ каби лойиҳалар нафақат ички бозорда, балки халқаро майдонда ҳам муваффақият қозонмоқда.

Бу Қозоғистоннинг рақамли иқтисодиёти импорт эмас, экспорт салоҳиятига эга эканини кўрсатади.

РАҚАМЛАШТИРИШ – ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА

Президент ташаббуси билан давлат бошқарувида ҳам сунъий идрок жорий этила бошлади. Масалан, AI-протокол агенти йиғилишлар баённомаларини автоматик шаклда тайёрлайди. PACS тизими эса тиббий тасвирлар асосида онкологик касалликларни эрта аниқлаш имконини беради. Бу фуқароларга хизмат кўрсатишда шаффофлик ва тезкорликни оширади.

Бундан ташқари, “Ягона дарча” ва “электрон ҳукумат” платформалари орқали давлат хизматлари рақамли шаклга ўтказилди. Фуқаролар давлатга мурожаат қилишда навбат ва қозғозбозликка эмас, онлайн ечимларга таянаётган янги давр бошланди.

(Давоми 2-бетда). >



ЖАҲОН АХБОРОТ МАЙДОНИГА ҚАДАМ

Kazinform. Мамлакат тараққиётининг асоси бўлган ахборот майдони бугун янги босқичга кўтарилимоқда. Ахборот хавфсизлиги, мустақил фикр, таҳлилий ёндашув ва журналистик масъулият – бугунги кунда ҳар бир давлатнинг ахборот сиёсатини шакллантирадиган муҳим пойдеворлардир.

Қозоғистондаги Халқаро журналистика мактабининг илк битирув маросими айнан шу янги йўналишни англа-тувчи рамзий воқеалик бўлди. Президент Телерадиомажмуаси ҳамда Maqsut Narikbayev University ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мактаб нафақат илмий-назарий билим бериш, балки амалиёт ва халқаро стандартларга мос мутахассислар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратади.

Жорий йилда мактабнинг “Халқаро журналистика” йўналиши бўйича таълим олган 25 нафар битирувчи талабалар диплом соҳиблари бўлди. Ушбу дастур журналистика, ҳуқуқ, иқтисодиёт ва IT каби тўрт муҳим йўналишни қамраб олган бўлиб, замонавий медиа муҳитида кенг қамровли билимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлайди.

Муҳими, барча битирувчилар Қозоғистоннинг етакчи ОАВларида амалиёт ўташ баробарида шахсий медиа лойиҳаларини амалга оширган ва улар 11та расмий нашрда эълон қилинган.

СУВ – МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК МАСАЛАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

– 2023 йилдаги Мақтубимда сувдан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратдим. Мамлакатимизда Сув захиралари ва ирригация вазирлиги ташкил этилди. Бу борада аниқ вазифалар белгиланиб, кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Янги Сув кодекси қабул қилинди. Йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилмоқда. Сув ҳўжалиги иншоотларини куриш ва тиклаш учун катта маблағ ажратилди. Хориждан сармоя жалб этилмоқда, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.



СУНЪИЙ ИДРОК – ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



(Давоми. Боши 1-бетда).

Қозоғистонда рақамлаштириш эндигона бошланган ҳаракат эмас. Бу – тизимли, стратегияли ва кенг қамровли миллий тараққиёт шаклига айланди. Президент Қ. Тўқаев бошчилигида амалга оширилаётган бу жараён мамлакатни нафақат иқтисодий, балки заковат жиҳатидан ҳам янги босқичга олиб чиқмоқда.

Яъни, инсон манфаатига хизмат қилувчи, миллий мустақиллиқни кафолатловчи рақамли тараққиёт – Қозоғистоннинг янги тарихи яратилмоқда. Демакки, Қозоғистон ўзининг рақобатбардошлигини фақат табиий захираларга эмас, балки ахборот, билим ва технологияга таянган ҳолда мустақамлашни мақсад қилган. Бунинг учун эса инновацион лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда, уларни маҳаллий ва халқаро бозорларга чиқариш муҳим вазифа ҳисобланади.

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Миллий суперкомпьютер марказига ташрифи чоғида маҳаллий IT-лойиҳалар билан танишгани – бу жараённинг юқори сиёсий даражадаги устувор йўналиш эканини яна бир бор тасдиқлади.

Тақдим қилинган лойиҳалар ичида SmartCity Astana алоҳида эътиборга лойиқ. Сунъий идрок асосида фаолият юритадиган 100 мингдан ортиқ камера орқали шаҳарнинг рақамли тизими яратилади. Бу

нафақат хавфсизлиқни таъминлаш, балки ҳудудни самарали бошқаришда янги даврни бошлаб беради. Лойиҳа хусусий шериклик асосида амалга оширилаётгани эса давлат ва бизнес ўртасидаги ижобий ҳамкорлик модели сифатида эътироф этилмоқда.

ALEM LLM: МАҲАЛЛИЙ ТИЛДА ВА ДУНЁВИЙ ДАРАЖАДА

Технология фақат техник қурол эмас – у миллий мафкура, тил ва маданиятни ҳам мустақамлайди. Қозоқ тилидаги йирик тил модели – AlemLLM – шунга яққол мисол. Бу лойиҳа ахборот муомаласини автоматлаштириш, маҳаллий тилдаги рақамли контентни қўпайтириш ва ижтимоий хизматларда миллий тилни етакчи ўринга олиб чиқишда катта аҳамиятга эга. Бу шакл давлат идораларидан тортиб, таълим ва бизнес соҳасигача кенг қўлланилиши мумкин.

СУНЪИЙ ИДРОК ИНСОН ХИЗМАТИДА

Рақамли лойиҳаларнинг асосий мақсади – фуқаролар ҳаётини енгиллаштириш. Масалан, AI Kitar рақамли таълим платформаси ҳар бир ўқувчига шахсий ёндашувни таъминлайди. Baspara Hub – уй-жой бо-

зорида шаффоқлик ва қўпайлик яратади. AI-Терапевт ва PACS тиббиётда инсон саломатлигини ҳимоя қилишда янги босқични бошлайди.

Буларнинг барчаси шунчаки лойиҳалар эмас – балки ижтимоий таъсири юқори бўлган стратегик ечимлардир.

РАҚАМЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ – ЯНГИ ИҚТИСОДИЁТ ПОЙДЕВОРИ

Президентга тақдим этилган лойиҳалар ичида сунъий идрокка оид гоьлар алоҳида ўрин эгаллайди. Масалан, Biny.co логистика соҳасида, Surface.pro эса курилиш саноатида инновацион ечимлар билан халқаро миқёсда муваффақият қозонмоқда. Бу лойиҳалар давлат томонидан берилган имкониётларни қандай самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда.

ТАҲЛИЛ ХУЛОСАСИ: ҚОЗОҒИСТОН ҚАЙСИ ЙЎЛНИ ТАНЛАДИ?

Агарда рақамли трансформацияни индустриал тараққиётнинг навбатдаги босқичи деб қабул қилсак, Қозоғистон бу жараёнда кузатувчи эмас, балки фаол иштирокчига айланди. Сунъий идрок, маҳаллий тил моделлари, рақамли таълим ва тиббиёт ечимлари – буларнинг барчаси янги иқтисодиётнинг асосий устунларидир.

Президент Тўқаевнинг ташаббуслари шундан далолат берадики, Қозоғистон ўз рақамли истиқболини мустақхам концепция асосида барпо этмоқда. Бу эса мамлакатни фақат минтақавий эмас, балки дунёвий рақобатда ҳам салоҳиятли иштирокчига айлантириши мумкин.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.



ЭЛНИНГ МУЛКИ – ЭЛ ИХТИЁРИДА

51 МИНГ ГЕКТАР ЯЙЛОВ ХАЛҚ ИХТИЁРИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Вилоятимизда ер захираларидан оқилона фойдаланиш ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Минтақадаги умумий ер жамғармаси ҳозирда 11 миллион 610,3 минг гектарни ташкил этади. Шундан аксарият қисми қишлоқ ҳўжалиги мақсадларида фойдаланилмоқда.

Айни пайтда фойдаланилмаётган ёки қонунга зид ҳолатда ишлатилган ер майдонларини давлат тасарруфига қайтариш тадбирлари тўхтовсиз давом этмоқда. Бу йўналишда вилоят ҳокимининг ташаббуси билан идоралараро махсус ишчи гуруҳ шакллантирилган бўлиб, улар аниқ режа асосида иш олиб бормоқда.

Жорий йил якунигача вилоят бўйича умумий ҳисобда 110 минг гектар ерни давлат тасарруфига қайтариш режалаштирилган бўлса, бугунги кунга келиб, режа 50 фоиз бажарилди. Бу ҳақда вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда маълум қилинди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят ер муносабатлари бошқармаси раҳбари Ерғали Тилеген бу борада амалга оширилаётган тадбирларга батафсил тўхталди.

Вилоят ҳокими мутасадди ташкилот раҳбарларига белгиланган режа ижросини таъминлаш, давлат манфаатлари йўлидаги ишларни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

«Сувни хор қилсанг, оқибат у ҳам сени хор қилади. Ер – хазина, сув – гавҳар».

Халқ оғзаки ижодиётидан.

ДАРЁЛАР ҚУРИГАН ЗАМОН – ҲАЁТ СИНОВГА ТУШАР

СТРАТЕГИК МАСАЛА ПРЕЗИДЕНТ НАЗОРАТИДА

Сув масаласи Қозоғистон учун стратегик муаммодир. Бу нафақат суғориладиган ерлар, қишлоқ ҳўжалиги ва энергетика соҳалари, балки миллий хавфсизлик ва келажақ авлод тақдири билан бевосита боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, Қасим-Жўмарт Тўқаев ўз нутқларида қайта-қайта таъкидлайди: «Қозоғистон сув захираларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида миллий стратегияни амалга ошириши лозим. Бу барча даражадаги сиёсатнинг устувор йўналишига айланиши керак».

Давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган «Сув хавфсизлиги концепцияси – 2030» ва кейинги беш йилликда амалга оширилаётган «Сув захираларини бошқариш» миллий дастури доирасида мамлакат бўйлаб катта ўзгаришлар юз бермоқда. Қапчагай сув омборининг янгиланиши, Чордара, Кенес, Арис–Туркистон каналларининг тозаланиши ва тикланиши бевосита далааларга сув етказиш самарадорлигини оширди.

2024 йилнинг ўзида Туркистон вилоятида 72та янги вертикал дренаж қудуқлари қазилди. Бўген сув омборининг қайта курилиши деҳқонлар учун ҳаёт сувининг қўшимча манбаи бўлди. Қозоғистон бугунги кунда ҳамда келажақда сув муаммоларини ҳал этишда Марказий Осиёда етакчи давлат сифатида намоён бўлмоқда.

СУВ – ЭКОЛОГИК ВА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ

Қозоғистонда табиатга, жумладан, сувга нисбатан ҳурмат авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Элимизда сув исрофгарчилиги, ифлосланиши, ноқонуний фойдаланилишига қарши қатъий чоралар кўрилмоқда. Шу боис, Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистон Республикасининг Экология кодексига махсус бобни киритди. Унда сув манбаларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва мониторинг қилиш жараёнлари қатъий белгилаб берилган.

Минг йиллик тарихга эга халқимизнинг қадриятларида сув муқаддас. Қуръони Каримда таъкидланганидек: «Барча тирик мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни кўрмдиларми?».

Сув – нафақат жисмоний эҳтиёж, балки руҳий ва маънавий барқарорлик манбаи. Сув билан боғлиқ халқ мақоллари ва ҳикматлар бу неъматга бўлган чуқур эҳтиромни намоён этади: «Да-

рёсини қадрлаган халқ ҳаётнинг изини топади», «Булоқсиз дарё сўнади», «Булоқ кўрсанг – кўзини оч!», «Сув келтирган – элда азиз».

ҲАР БИР ҚАТРА УЧУН МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимиздаги ҳар бир ҳўжалик, деҳқон, ҳокимият, шифокор, муҳандис, болалар боғчасида тортиб, университет профессоригача сувнинг аҳамиятини билиши, англаши ва ҳимоя қилиши зарур. Бу умуммиллий ғамхўрлик, умумдавлат мажбурият. Бу инсонпарварлиқнинг янги босқичидир.

Президентимиз БМТ миқёсида сувни дунёвий сиёсатнинг марказига олиб чиққани, халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилиши – барчамиз учун ифтихордир. Бу ташаббуснинг амалдаги ижроси эса – мамлакатнинг барча фуқаролари, ҳар бир тумандаги сувчи, ҳар бир мироб, сувни ҳаёт деб билган ҳар бир инсоннинг қўлида.

СУВ – ТАҚДИРИМИЗ

Тоза сув – тоза ҳаёт. Қурғоқчилик хавфи кучайиб бораётган бугунги дунёда сув захиралари учун кураш кучаймоқда. Биз ҳам уни ардоқлаб, сақлаб, эртанги кунга етказишимиз керак.

Сув – бу кўринмас жавоҳир. Унинг қадрини ташна пайтда англаймиз. Аммо инсонийликни сув қуримасдан англаш, халқ руҳини қурғоқчилик келмасдан англаш – бу замонавий фуқаролиқнинг, Янги Қозоғистон онгининг энг юксак қиёфасидир.

Авазхон АБДУФАТТОҲ.



авлоднинг тинч ва фаровон умрига кафолат. Шу боис ҳам бугунги кунда Арис, Сирдарё, Или, Талас ва Ертис дарёлари ҳавзасидаги экологик мувоzanатни сақлаш масаласи бутун мамлакатимиз аҳолиси учун умуммиллий аҳамиятга эга.

»» Янги китоб




УНУТИЛМАС АЖДОДЛАР ТАРИХИ

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси маслаҳатчиси, фаол обуначимиз Илҳом Иброҳим қаламига мансуб “Унутилмас аждодлар тарихи” китоби Тошкент шаҳрида нашрдан чиқди.

Жами 134 саҳифадан иборат, Туркистон шаҳрининг равнақиға маданият, маърифат, маънавият, саноат, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда ҳисса қўшган инсонлар ҳақида батафсил маълумотлар жамланган ушбу китобни муаллиф волидаи муҳтарамаси, Ҳамза номли мактабда меҳнат қилган энг кекса устоз Гулсин аяға бағишлайди.

– Ҳаётим давомида изланишларим, ўрганишларим, кексалардан эшитганларим маҳсули бўлган ушбу китоб келгуси ёш авлод томонидан ижодий давом эттирилиши, авлодлар ворисдошлиғи мустаҳкам бўлишини истардим, – дейди муаллиф Илҳом Иброҳим.

Ушбу китобни Туркистон шаҳрининг фахрий фуқароси Носир Ҳамроқулов муаллиф Илҳом Иброҳим билан бирга Қорачиқ қишлоғида фаол обуначимиз Қодир Аҳмедов ташкилотчилигида ўтган “Оталар чойхонаси” анжуманида Туркистон, Кентов шаҳарлари ва Саврон тумани фаоллари этиборига ҳавола қилди.



Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: китоб муқоваси; муаллиф Илҳом Иброҳим ва Носир Ҳамроқулов.

Муаллиф суратға олган.

»» Туркистон вилоятига – 7 йил

ҚЎСТАНАЙЛИК ЗИЁРАТЧИ



Уккоша ота зиёратгоҳи вилоят марказидан 65 қақирим масофада жойлашган. Зиёратчилар Қорачиқ, Югнак, Қарноқ, Шерт қишлоқларидан ўтиб, Қоратоғ этағидаги Бобойқўргон қишлоқ округида жойлашган қадамжоға етиб боришади. Зиёратгоҳ икки қисмдан: бири – Уккоша ота мақбараси, музей ҳамда барчаға ҳам оби-ҳаёт насиб этавермайдиган қудуқдан иборат. Оралиқ масофа икки қақиримдан иборат бўлиб, автомашинада борилади. Ташриф буюрувчилар учун барча шароит – ҳожатхона, ошхона, автотуроқ муҳайё қилинган. Якшанба куни шаҳармардондан йўлга отланиб, манзилға етганимизда, қудуқ пойида юздан зиёд зиёратчилар тўпланганини кўриб, ҳайратландиқ. Қудуқ олдидаги майдондаги ўриндиқда ўтирган кекса ёшдаги зиёратчи аёлға саволлар билан муурожаат этдим.

– Менинг исми шарифим Ирена Иозовна Соловьёва бўлади. Ёшим 69да. Қўстанай вилоятининг Рудний шаҳридан келдим. Умр бўйи қурилишда мастер бўлиб ишладим, дастлаб электр пайвандловчи бўлиб меҳнат қилганман. Ҳозир фахрий ҳордиқдаман. Туркистон шаҳрида зиёратчилар учун яратилган қулайликлардан кўнглим шод. Уккоша ота қудуғиға челақ ташлаб, сув тўла пақирни торганимда дилим қувноб кетди. Мен христиан дини вакили эсам-да табарруқ қадамжоларни кўп зиёрат қиламан. Мўл таассурот олиб, ўзимни яхши ҳис қиламан. Қайси дин вакили бўлишимиздан қатъиназар Худо барчамиз учун ягонадир, – деди суҳбатдошим мамнуният билан.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: Қўстанайдан Уккоша отаға келган зиёратчи И. Соловьёва.

Муаллиф суратға олган.

»» Спорт

ҲАМЮРТИМИЗ – ҒОЛИБ!

ЮКСАК МАҲОРАТ, САБР ВА ИРОДА ЗАФАР ОЛИБ КЕЛДИ

Жорий йилнинг 9-11 июль кунлари Қўстанай шаҳрида стол тенниси бўйича нуфузли Халқаро очиқ турнир ўтди. Мазкур беллашувларда республикамиз вилоятларидан келган маҳоратли спортчилар ўзаро куч синашди.

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган иқтидорли спортчи Тўймурод Эшимов (тасвирда)

барча рақибларини мағлуб этиб, 1-ўринни қўлга киритди. Унинг юқори жисмоний тайёргарлиги, машаққатли меҳнати ва ўзига ишончи ғалабаға олиб келди.

Спортчининг шахсий муваффақияти ёш авлод учун илҳом манбаидир. Ғолибни чин қалбдан табриқлаймиз ва янги зафарлар тилаб қоламиз!

З. МҮМИНЖОНОВ.



»» Обуначиларимиз орасида



Саврон тумани маркази Чўрноқ қишлоғидаги Т. Айтжанов номли мактабда жорий ярим йилликдан бошлаб “Жанубий Қозоғистон” нашри обунаси билан олий тоифадаги ўзбек тили ва адабиёти фанининг тажрибали устози Наргиза Отантой қизи Исмоилова шугулланмоқда.

Наргиза Исмоилова 1967 йили Чўрноқ қишлоғида таваллуд толган. Падали бузруквори Отантой Исмоилов “Ленинизм” жамоа хўжалиғида тафтиш комиссияси раиси бўлиб, фидокорона меҳнат қилган. Жуда хотамтой инсон бўлган. Волидаи муҳтарамаси Баҳро Қосимова 40 йил ёш авлодға таълим-тарбия бериб, элда

юкланди. Ҳамкасбларимиз қўллови билан обунани уюшқоқли ташкил этишға ишончим комил, зеро, бу хайрли ишға муносиб ҳисса қўйиш барчамиз ва ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, – дейди Наргиза Отантой қизи.

Юқонда

Собиқ Фрунзе ҳозирги Т. Айтжанов номли мактабни имтиёзли аттестат билан битириб, 1982 йили Туркистон шаҳридаги И. Алтинсарин номли педагогика билим юртининг педагогика ва бошланғич таълим методикаси бўлимида таҳсил олди. 1986 йили сентябрь ойидан ўзи таълим олган Т. Айтжанов номли мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб, меҳнат фаолиятини бошлади. Ўша йили Тошкент шаҳридаги Низомий номли педагогика институти ўзбек филологияси бўлимиға ўқишға тушиб, 1992 йили тугатди. Қадрдон мактабда ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси бўлиб, меҳнат фаолиятини давом эттирди. Мана, қарийб 40 йилдан бери шу мактабда

нишонлари билан тақдирланган. Иқтидорли шоғирдлари маориф, меъморчилик, соғлиқни сақлаш, фармацевтика, қурилиш ва тижорат соҳаларида меҳнат қилиб, эл равнақиға ҳисса қўшмоқда. Устозлик фаолияти билан биргаликда жамоат ишларида ҳам пешқадам. Тинчлик, тотувлик, тараққиёт, она тилимиз равнақини мақсад тутган Қозоғистон халқи Ассамблеяси таркибидаги ЎЗМБ тадбирларида фаол иштирок этади. Зиммасиға ишониб топширилган ҳар бир ишни масъулият билан пухта бажаради.

Оила муқаддас кўргон. Умр йўлдоши Қўқорбой Болтабой ўғли билан қобил фарзандлар – 2 ўғил, 2 қиз тарбиялашди. Ширин-шакар неваралар оила ишончи ва келажағи. Тўнғич фарзанд Азиз тезкор тиббий ёрдам бўлимида фелдшер, кейинги ўғил Нодир ҳам фелдшерлики тамомлаган. Шаҳноза шаҳар марказий шифохонасида ҳамшира, кенжа қиз Диана эса Қўстанай вилоятидаги А. Байтурсинов номли Давлат педагогика университетида грант асосида инглиз тили факультетининг 3-босқичида аълоға ўқимокда.

Келинлари – Нодира Саврон тумани жонлантириш марказида ҳамшира, Муҳаббат – Т. Айтжанов номли мактабда математика фани ўқитувчиси. Неваралари – Элнур ва Фирдавс А. Байтурсинов номли мактабнинг аълочи ўқувчилари. Одина, Имрон, Дилбек ва Афруза эса “Дара бала” боғчасида тарбия олишмоқда.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Наргиза Исмоилова; бахтли оила аъзолари.

САҚТАНДИРЫЛМАҒАН АЗАМАТТАРҒА ҚАНДАЙ МЕДИЦИНАЛЫҚ КӨМЕК КӨРСЕТИЛЕДИ?

Шамамен 1,63 трлн. теңге кепілдендірілген медициналық көмек көлеміне кіретін қызметтерге қарастырылған. Мұндай қызметтер тегін көрсетіледі. Сақтандырылмаған пациенттер де тегін ала алады.

Тегін медициналық көмектің кепілдендірілген көлемі бюджет қаражаты есебінен Қазақстан азаматтарына, қандастарға, босқындарға, сондай-ақ елде тұрақты тұратын және ықтиярхаты бар шетелдіктер мен азаматтығы жоқ тұлғаларға көрсетіледі. Ал елімізде уақытша тұратын шетелдіктер мен азаматтығы жоқ адамдар және баспана іздегендер қоршаған ортаға қауіп төндіретін жұқпалы аурулар кезінде көпугіне алады.

«2025 жылы медициналық қызметтерді қаржыландыруға жалпы 2,96 триллион теңге бөлінді, оның 1,63 триллион теңгесі ТМҚКК пакетіне кіретін қызметтерге және 1,33 триллион теңге МӘМС пакетіне тиесілі. Көпшілік сақтандырылған мәртебесі болмаса емханада қабылдамайды деп ойлайды. Алайда МӘМС жүйесіндегі мәртебесіне қарамастан көрсетілетін медициналық қызметтердің тізімі бар», деп атап өтті ӘМҚК басқарма төрағасының орынбасары Индира Саркенова.

ТМҚКК пакеті қандай қызметтерді қамтиды?

1) Жедел медициналық көмек: жедел жәрдем бригадасын шақырудан бөлек, оған санитарлық авиация қызметтері де кіреді.

2) Алғашқы медико-санитариялық көмек: учаскелік дәрігер қабылдауы (жалпы тәжірибе дәрігері, терапевт, педиатр, медбике) диагностика, ең көп таралған ауруларды емдеу және басқару, мақсатты

халық топтарын профилактикалық қарау, иммунизация, аурулардың мінез-құлыққа байланысты тәуекел факторларын ерте анықтау және мониторинг, салауатты өмір салтын қалыптастыру және насихаттау, репродуктивті денсаулықты қорғау шаралары, жүкті әйелдер мен босанған әйелдерді босанудан кейінгі кезеңде бақылау.

3) Амбулаториялық жағдайдағы мамандандырылған медициналық көмек: ЖИТС пен туберкулезді алдын алу және диагностикалау, сондай-ақ әлеуметтік маңызы бар және созылмалы ауруларды диагностикалау мен емдеу, жарақаттар, уланулар немесе басқа шұғыл жағдайлар кезінде медициналық қызметтер көрсетіледі.

4) Стационарды алмастыратын жағдайдағы мамандандырылған медициналық көмек: Әлеуметтік мәні бар және созылмалы аурулары бар адамдарға арналған күндізгі стационар қызметтері.

5) Стационар жағдайындағы мамандандырылған медициналық көмек: шұғыл көрсеткіштер бойынша госпитализациялау, шұғыл госпитализация кезінде стационардың қабылдау бөлімінде емдеу және диагностикалау, әлеуметтік мәні бар және сирек (орфандық) аурулар кезінде жоспарлы госпитализация, айналасындағылар үшін қауіпті жұқпалы немесе паразиттік аурумен ауырған науқаспен байланыста болған адамдарды оқшаулау, сондай-ақ жұқпалы немесе паразиттік ауруға күдікті немесе ондай диагнозы қойылған адамдарды госпитализациялау.

6) Медициналық оңалту: ТМҚКК шеңберінде туберкулезбен ауыратын науқастарға медициналық оңалту жүргізіледі.

7) Уәкілетті орган айқындайтын аурулар тізбесі бойынша паллиативтік медициналық көмек.

8) Қан мен оның құрамдас бөліктері мен қантамасыз ету;

9) Патологиялық-анатомиялық диагностика;

10) Өлімнен кейінгі донорды органдар мен тіндерді алу үшін дайындау, алу, сақтау, зерттеп қарау, жинау және трансплантация үшін тасымалдау.

Бұдан бөлек, пациенттерге ҚР ДСМ бекіткен тізімге кіретін кейбір созылмалы аурулар бойынша дәрі-дәрмекпен және медициналық бұйымдармен жеңілдікті амбулаториялық қамтамасыз ету қызметі қолжетімді.

Естеріңізге сала кетейік, бұл медициналық қызметтер азаматтарға МӘМС жүйесіндегі мәртебесіне қарамастан көрсетіледі. Егер сізге медициналық көмек көрсетуден заңсыз бас тартса, әр емхана мен ауруханада жұмыс істейтін Пациенттерді қолдау қызметіне жүгінгеніңіз абзал. Олар мәселені сол жерде шешуге көмектеседі. Егер медициналық ұйымнан мардымды жауап болмаса, өтінішті Әлеуметтік медициналық сақтандыру қорына жолдау керек.

Давлат АЛИБАЕВ,
Jacksoft MDS клиникасының
гастроэнтеролог дәрігері.

“Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти ва Сўзоқ тумани ЎЗМБ бошқаруви фаол обуначимиз, тадбиркор Авазхон Талжановға синглиси, ўқитувчи

Роза АЗИМХОН қиосабининг вафот этганилғи маңисабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Юрт истиқболи илми ва маърифатли авлод кўлида. Шунинг учун ҳам ҳар бир йигит-қизнинг тўғри касб ва илм йўлини танлаши нафақат шахсий ҳаёти, балки ватан тақдири учун ҳам муҳим ҳисобланади. Айниқса, ҳозирги дунёвий рақобат шароитида замонавий билимлар билан қуролланган, миллий қадриятларга садоқатли мутахассисларни тайёрлаш – олий таълим муассасалари зиммасидаги улкан масъулиятдир.

Бу борада юртимиздаги йирик олий таълим муассасаларидан бири Ж. Ташенев номи университетда амалга оширилаётган ишлар, халқаро ҳамкорлик доирасидаги тадбирлар, ўзбек тили ва адабиётига оид янги дастурлар ҳақида дорилфунунининг Халқаро ҳамкорлик ва академик сафарбарлик бўлими бошлиғи, фалсафа доктори (PhD) Шаҳло НОРАЛИЕВА билан суҳбатлашдик.



Рақобатбардош илм масканидан рақобатбардош мутахассислар



– Шаҳлохон Жамолиддин кизи, ҳар йили минглаб ёшлар ўз ҳаёт йўлини танлайди. Бундай масъулиятли паллада Ж. Ташенев университети уларга қандай имкониятлар яратиб бермоқда?

– Ҳақиқатан ҳам, бу кунлар ҳар битирувчи учун тақдирини белгилайдиган масъулиятли палладир. Биз ўз дорилфунунимизни оддий билим маскани сифатида эмас, балки ватанпарвар ва маънавий жиҳатдан етук шахслар камол топадиган олий ўқув юрти сифатида кўрамиз. Ҳозирги кунда илм масканида 56та бакалавр ва 12та магистратура йўналиши бўйича таълим берилади. Уларда педагогик ва нопедагогик йўналишлар қамраб олинган. Таълим шакли ҳам мослашувчан: 4 йил кундузги, коллеждан кейинги 3 йиллик ва қисқартирилган иккинчи 2,5 йиллик мутахассислик дастурлари мавжуд. Магистратура йўналишида 2 йиллик таълим жорий этилган. Бугунги кунда бизда 5та факультет юқорида қайд этилган мутахассисликлар бўйича фаолият юритади.

– Ўзбек тили ва адабиётига оид таълим қандай йўлга қўйилган?

– Университетимизда “IT ва чет тиллари” факультетида – “Рус тили ва ўзбек тиллари кафедраси” фаолият юритади. Мазкур йўналишда талабаларимиз ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида тайёрланади. Бу йил биз учун муҳим қадам ташланди. Тошкентдаги Низомий номи Тошкент Миллий педагогика университети билан қўшма таълим дастури йўлга қўйди. Энди талабаларимиз 1-,2-, 4- босқични Қозоғистонда, 3-босқични эса Ўзбекистонда ўқишади. Улар ОТМни тамомлаб, икки мамлакат дипломига эга бўлишади. Бу нафақат икки томонлама ҳуқуқий асос, балки маънавий боғлиқлик рамзи ҳамдир.

– Бу ҳамкорликнинг ёшлар учун амалий аҳамияти қай даражада? Магистратура йўналишидаги янги халқаро дастурлар йўлга қўйилган.

ми? Юртимиздан ўзбек тили йўналишидаги магистрантлар қачон чиқади?

– Янги дастур 2025-2026 ўқув йилида ишга туширилиши кутилмоқда. Унга кўра, профессор, ўқитувчилар таркиби ва талабалар ўртасидаги университетлараро тажриба алмашинуви янги босқичга кўтарилади. Дипломларнинг нострификацияси, яъни тан олинishi тадбирларига ҳожат қолмайди. Магистратура босқичида ҳам шундай халқаро дастурлар йўлга қўйилиши кутилмоқда. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда “Бошланғич синф ўқитувчиси” йўналишини очиб таълим қилинапти. Мазкур масала кун тартибиди. Айни дамда кафедрамизда 160дан зиёд талабалар таълим олишмоқда. Коллежни тамомлаб, ўрта таълим муассасасининг дипломи билан бизга келаётган талабалар ҳам бор. Улар нафақат билим олишади, балки халқаро тадбирларда ҳам фаол иштирок этишади. Бакалавр йўналишидаги таълим дастуримиз 2024 йили халқаро аккредитациядан ўтган. Жорий йили эса магистратура йўналишидаги “7M01704 – Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларини тайёрлаш” таълим дастури халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди. Бу борадаги маълумотлар дорилфунунимизнинг интернет саҳифасида батафсил баён этилган. Бундан ташқари, талабаларимиз нафақат университет миқёсида, балки мамлакатимиз, ҳатто халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда ҳам илмий маърузалари билан иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллашмоқда.

– Дорилфунун битирувчилари қандай ютуқларга эришмоқда?

– Жорий йилда 13 нафар магистрантларимиз ўз илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилтиди. Айнан шу магистрантлар илм дароҳимизнинг ушбу йўналишидаги илк қалдирғочларидир. Бу ишда ўзбекистонлик олимлар, шу

жумладан, она тилимизнинг иқтидорли билимдонлари – Ўзбекистон давлат хореография академиясининг доценти, профессори, филология фанлари доктори Ҳулкар Ҳамроева раислигида Низомий номидаги Ўзбекистон Миллий педагогика университети профессори, филология фанлари доктори Қурдош Қаҳрамонов, Андижон Давлат университети профессори, филология фанлари доктори, дарсликлар муаллифи Абдулхай Собиров ҳамда иш берувчилар – мактаб директорлари, ўқув-услубий ишлар бўйича мактаб директорлари ўринбосарлари иштирок этишди. Муаллимларимиз магистратура босқичида ўқишмоқда. Тўғри, бу ерда устозлар моддий томондан рағбатлантирилади, маоши ошади. Бироқ бундан ташқари, энг асосий уруғ мактаб остонасида болаларимизга илм соҳиблари, олимлар сабоқ берса, бу, албатта, келажагимиз эгаларининг илмга рағбатини ошишига ижобий таъсирини ўтказади. Муаллимлар жамиятга етук шахсларни етказиб беришар экан, иқтидорли ёшларни аниқлаб, уларнинг салоҳиятини тўғри шакллантириб олиши жоиз. Мактабда болаларни илмга қизиқтириш ниятидаги муаллимнинг илмий салоҳияти юксак бўлиши жоиз. Бу замонавий ўқитувчиларга қўйилаётган талаб. Устоз болаларга нафақат билим беради, балки ҳаётга тарбиялайди.

– Сўнгги сўз ўрнида айтарингиз...

– Илми миллат – кучли миллатдир. Бугунги ёшлар қандай тарбия олади, эртага шундай жамият барпо этилади. Шу боис, ҳар бир йигит-қизнинг илмий салоҳиятини очиб бериш, уни маънавий жиҳатдан етук инсон сифатида тарбиялаш – барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

– Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур!

М. САЪДУЛЛАЕВА суҳбатлашди.

БИТИРУВЧИНИ НУФУЗЛИ УНИВЕРСИТЕТЛАР ТАКЛИФ ЭТИШДИ

Сайрам туманининг Орис қишлоғидаги Худойберган Хайтенов номи хусусий мактаб битирувчиси Азизбек Умаров(тасвирда) улкан ютуққа эришди. Қорабулоқ қишлоғида туғилиб, вояга етган Азизбек бошланғич синфданок инглиз тилини мустақил ўрганиб, билимга бўлган иштиёқини эрта намоён этди.



У АҚШ ва Қозоғистондаги бешта нуфузли университетларга, жумладан, Syracuse University, Iowa State University, University at Buffalo, University of Mississippi (Ole Miss) ва Назарбаев Университети каби олий таълим муассасаларидан таклиф олди.

Азизбек мактабда ўқиган даврида танловларга фаол қатнашиб, республика, вилоят ва минтақавий фан олимпиадаларида бир неча бор совриндор бўлган. 1-9-синфларни Қорабулоқ қишлоғидаги 81-сонли Улуғбек номи мактабда ўқиди, сўнг 10-синфдан эътиборан ўқишни Х. Хайтенов номи хусусий мактабда давом эттирди.

Ёш истеъдоднинг эътирофи этишича, бу мактаб унга янги имкониятлар эшигини очди. Азизбек учун таълим йўлидаги яна бир муҳим босқич – “Zaytuna Academy” таълим маркази бўлди. Ушбу марказда у билимларини мустаҳкамлаб, келажакка муҳим қадам ташлади. Бу ўринда унга мустаҳкам билим берган устози Азимжон

Манзуровнинг меҳнатини алоҳида қайд этиш жоиз.

Таъкидлаш жоизки, унинг ота-онаси ҳам туманда таниқли шахслар. Падали бузруквори Абдусаттор Умаров – журналист, у Сайрам туманидаги “Сайрам садоси”, “Мертёбе”, “Пульс Сайрама” газеталарини бирлаштирган “Исфижоб” МЧБ директори, волидаи муҳтарамаси Ҳуснобод – муаллима. Азизбек келажакда тиббиёт соҳасига ҳисса қўишини мақсад қилмоқда.

3. МҸМИНЖОНОВ.

»» Бунёдкор ёшлар



РАМЗУЛЛАНИНГ ОРЗУСИ

Сайрам туманининг Манкент қишлоғида Ҳабибулла Сиддиқов авлодини умрини таълим-тарбияга бағишлаган фидойи устоз-мураббийлар сифатида билишади. Жорий йили ўрта мактабни тамомлаган ушбу сулола вакили Рамзулла (тасвирда) ҳам ўқитувчилик касбинини эгаллашни мақсад қилмоқда.

пайқаган ота-онаси уни ментал арифметика машғулотлари тўғрарига беришди. Шу орқали унда математик тафаккур, диққат ва тез ҳисоблаш қобилиятлари ривожланди. Рамзулла учун математика шунчаки фан эмас – бу интизом, мантиқ ва фикрлаш рамзидир. Зеро, математика инсон онгини тарбиялайди, фикрни чархлайди ва ҳар қандай соҳадаги муваффақиятга пойдевор бўлади.

“Манкент” мактабининг таърибали ўқитувчиси Маҳбуба Эрметова унинг учун илм эшикларини очган, ўқишга, ўрганишга муҳаббат уйғотган зот. Устозининг меҳрибонлиги, талабчанлиги ва фидойилиги туфайли ушбу фанга қизиқиши янада ортди. Шунингдек, 5-9-синфларда раҳбар бўлган Шохиста Ҳўжанованинг меҳри, сабри ва тарбияси унинг ҳаётида чуқур из қолдирди.

2023 йилдан илм йўлида ривожланишни янги босқичга кўтариш мақсадида ота-онасининг ёрдами билан тахсилни Шимкент шаҳридаги “Dostyq school Shymkent” мактабида давом эттирди. Эндиликда у янада мустақил, фаол ва ўз

мақсадларига интилувчи инсон сифатида шаклланди. Қийинчиликларни енгиб, муваффақиятларга эриша бошлади. Жумладан, “Dostyq” таълим марказида тахсил олган ораси унда катта қизиқиш уйғотди. Ўқув марказида математикадан Тўлқин Эшметов, Мади Бекназаров, Ўралбек Калиев, физикадан Олимжон Сиддиқов, Айдар Нурбаев каби устозлардан таълим олди.

Рамзулла жорий йилги ЯМТдан 108 балл тўплашга муваффақ бўлди. Имтиҳонларни аъло даражада топшириб, “Олтин белги” соҳиби бўлди. Бу натижа йиллар давомида қилинган меҳнат, уйқусиз кечалар ва ота-онаси ҳамда устозларининг ишончи ва ёрдами меъасидир.

– Орзуим – буюк математик, замонавий илм-фан соҳасида етакчи мутахассис бўлиш, – дейди у. – ЕМУ, АИУ каби етакчи университетларда ўқиб, келажакда юртимнинг илмий тараққиётга ҳисса қўиши ниятим бор. Илм йўли оғир, аммо мақсад ангил бўлса, ҳар қандай тўсиқни енгиш мумкин.

Рамзуллага ниятлари ижобат бўлишини тилаб қоламиз!

3. МҸМИНЖОНОВ.

Ҳаётини нақллар

1. Ҳаром билан бахт яратиб бўлмайди, майли академик бўлсин, миллионер бўлсин.

2. Ҳар бир бола фарштадек покиза тугилади. Кейинги тақдири ота-онаси берган тарбияга боғлиқ.

3. Тувакда ўсиб турган гул инсоннинг қалбини ҳис қиларди. Ҳатто уй эгасини ёмон кўрса, сўлиб қоларкан.

4. Агар биров сизни гийбат қилса, хафа бўлманг. Чунки у сизнинг савобингизни ўғирламаяпти, аксинча, савға қияпти.

5. Ҳақиқатни гапирганнинг дўстлари оз, душмани кўп бўларкан.

6. Жуфти ва фарзандларига вафо қилмаган эркак Ватанига ҳам вафо қилмайди, ҳатто ватанини сотиб юборади.

7. Кўп кўрганман! Ота-онаси гуноҳ қилган болалар улғайгач, бахтли бўлолмайди.

8. Баъзан “Тавба” дейман ўзимга. Ҳалол одам ҳеч кимга ёқмас экан. Ёнғ ёмони – улар кетса, ёмонлар қувонади.

9. Қийинчилик дегани – илмсизлик ва танбаллик маҳсули. Ялқов одамга бахт қилиб боқмайди.

10. Ота-онани юзага чиқарадиган фарзандлар кўп бўлсин.

11. Ҳар кун куламан: на-мозхон, лекин қалби ғаразли.

Порахўр, қаллоб, ҳатто фоҳишалар ҳам “ибодат қилади”. Лекин ибодат қалба бўлмаса, у фақат намоишдир. Мана шу сохта ибодатёўилар замонни оғирлаштирмоқда.

12. Илжосиз ишнинг ўзи йўқ, фақат улғани тирилтира олмаймиз. Бугунги замон олимлари ўлғанини тирилтириш устида изланишлар олиб бормоқда.

13. Хотирангиз панд беришми, китоб ўқинг. (Зарифбой Ибодуллаев, фан доктори).

14. Қайфияти яхши одамга омад доим қулиб боқади. (Дилмурод Эргашов, фан доктори).

Санобар ТУРСУМЕТОВА.

Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.	Масъул шахслар: Туркистон, Сағрон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22 Қазигурт – Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42 Сайрам – Зокиржон МҸМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71 Жетисай, Мақтарал – Муҳтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97	Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги. ● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллиф- лар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34VРУ00022503 гувоҳнома берилган. “ERNURprint” МЧБ босмахонасида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. +7778-618-39-05. Электрон почта: janubiy@inbox.ru
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҢОНОВЕВ.			Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска.
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.			Бўғортам 1571. Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.